

Инсоният тарихи курашлардан, ақл ва маърифатнинг ривожидан, унинг нодонлик устидан ғалабасидан, яхшилик ва ёмонликнинг курашидан иборат. Инсоният доимо мунтазам тараққиёт йўлидан борган. Инсон тафаккурини ўзида акс эттириб, сақлаб келаётган ижтимоий хотира шу тараққиёт негизини ташкил этади. Ижтимоий хотира инсоният тараққиётининг ҳамма даврларида бирон-бир ахборотни ёки маълумотни қаердадир қайд этиш, рўйхатга олиш, сақлаш, қайта ишлов бериш, кимгадир, авлоддан авлодга етказишнинг ўша даврга хос шаклларидан иборат бўлган. Бу шакллар маълум бир сифатга, қиёфага ёки воситаларга эга бўлган. Жамиятлар тараққиётининг дастлабки босқичларида тилнинг пайдо бўлиши дастлабки тажрибаларни ўзлаштириб, таҳлил қилиб, меҳнат қуролларини такомиллаштириш, улардан фойдаланиш жараёнларида кўзга ташланган. Энг муҳим белгилар тузилмасидан иборат ёзувнинг пайдо бўлиши эса фикрларни узоқ вақт давомида сақлаб қолиш, бир кишидан иккинчи кишига етказиш, авлоддан авлодга етказиш имконини кенгайтирди. Аввал ҳалқ оғзаки ижоди кўринишида, кейинчалик ёзма шаклда пайдо бўлган маълумотлар алмашинуви оғзаки ва ёзма адабиётнинг пайдо бўлишига олиб келди. Натижада, аввал оғзаки кўринишдаги матнлар ёзма шаклга айланди.

Инсоният томонидан яратилган иккинчи кашфиёт – китоб юзага келди ва ҳамма билим соҳасида адабиётнинг мавжудлик шаклларига айланди. Даврлар давомида китобнинг шакл-шамойили, сифати, безатилиши, ташқи кўриниши, ишлаб чиқарилиши такомиллашиб борди. Антик даврда ўрама китоблар шаклланган бўлса, кейинчалик эрамизнинг IV асрига келиб, муқовага эга қўлёзма китоблар пайдо бўлди. XV асрга келиб эса қўлёзмаларни қўлда кўчириб ёзишдан китоб чоп этишга ўтилди. XX аср охирига келиб эса илғор мамлакатларда электрон шаклдаги китоблар юзага келди. Аммо ҳар қандай шаклда бўлмасин, китобнинг моҳияти ўзгармайди. Қўлёзма ҳолида ҳам, матбаа ҳолида ва электрон шаклда ҳам китоб ўзининг туб моҳиятини, аҳамиятини йўқотмайди, унинг ўрнини бошқа нарса эгаллай олмайди.

Китоб инсоният ва жамият маданиятининг ажралмас бир қисми бўлиб, инсоният тараққиётининг ҳамма даврларида кишиларни тарбиялаш, уларнинг ақлий ривожланиш воситаси бўлиб келди. Китоб барча соҳага оид билимларни тўплаш, сақлаш усули сифатида ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, барча формацияларнинг алмашинувида ва тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. Инсон

тафаккурининг ривожланишида китоб ва ёзув доимо ҳамроҳ бўлган. Баъзи маданият ва маърифат шакллари оғзаки алоқа муносабатларига асосланган бўлса-да, ёзув пайдо бўлгандан сўнггина ҳозирги кунгача етиб келди ва воқеликка айланди.

Инсоният яратган муомала воситалари ичida энг ишончлиси, энг қулайи китобдир. Баркамол инсон тарбияси, одамлар маънавияти, маданияти, одоб-ахлоқи, билим савияси, жамиятда ўзига хос ўринни эгаллаши фақат китобдан олган билимига боғлик, чунки у инсон ақл-заковати ва билимларини сақлаш ҳамда кенг ёйишнинг энг мукаммал қуролидир. Китоб кишиларга инсоният эришган ютуқларни билиш имконини беради, халқлар ўртасидаги муносабатни, ҳамжиҳатликни, ўзаро меҳр-оқибатни тиклайди. Дунёда тинчликни ўрнатишга, мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Инсоният яратган ёзувлар, китоблар бўлмаганда одамзод ўзининг ўтмишини, билим, донолик ва ҳикматларини ҳам билмаган, илм-фанни ҳам тараққий эттира олмаган бўларди. Жами ихтиrolар, кашфиётлар, тараққиёт даражаси ҳам китоблар туфайлидир. “Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир”, деган эди немис ёзувчиси С. Цвейг. Китоблар барча замонлар учун энг зарур нарса, қалблар малҳами, билимлар хазинаси, донишмандлик чашмаси бўлган ва бўлиб қолаверади.

Китоблар туфайли қадим даврлардаги кутубхоналар, улардаги фонднинг мазмуни, каталог ва картотекалар тизими, кутубхона хизмати қўрсатишнинг сифати ҳақидаги маълумотларни билиш билан ўша давр кишиларининг қизиқишлиари, интилишлари, ҳаёт даражаси ҳақида маълумотга эга бўламиз. Эрамиздан аввалги асрларда кутубхоналарнинг сопол тахтачаларда битилган қўлёзма бойликлари Оссурия-Бобил маданиятини тушунишга йўл очиб берди. Бошқа топилмалар каби Месопотамиянинг қадимги маданияти тарихини, унинг ёзуви, сарой, черков ва бошқа кутубхоналари сирларини очишга ёрдам қилди. Улар сабабли бизгача етиб келган жуда кўп турк, форс, араб тилларидағи қўлёзма китоблар, тарихий шахслар ҳақидаги адабий манбалар жонли гувоҳлигига Ўрта Осиёning қадимги сулолавий китоб фондлари, масjid ва мадрасаларнинг кутубхоналари, шахсий китоб тўпламлари бўлганлигидан хабардор бўламиз.

Сомонийлар, хоразмшоҳлар, қораҳонийлар ва мўғулларнинг Ўрта Осиёга бостириб

кирган даврида салжуқийлар давлатидаги жуда бой китоб хазиналари, Шаҳрисабз, Самарқанд ва Ҳиротдаги Темур ва темурийлар кутубхонаси, Бухорода шайбонийлар ва аштархонийлар кутубхонаси, Қўқон, Хива ва Бухоро хонликлари кутубхоналари мусулмон оламига машҳур бўлганлигини билиб оламиз.

Ёзма ахборот манбалари бўлган китоб, газета, журнал ва бошқалар жамият тараққиётини, маънавий, ижтимоий-маиший талабеҳтиёжларини тўла қондиришга қаратилган ва бутун инсоният тараққиёти давомида шу вазифани ҳам бажариб келган. Ёзма ҳужжатлар кишиларнинг ўзаро фикр алмашув имкониятларини кенгайтирган бўлса, кутубхоналар ёзма асарлар умрини узайтириш воситаси ҳисобланган. Бошқа ижтимоий муассасалар каби кутубхоналар ҳам жамиятнинг энг зарурий эҳтиёжлари асосида вужудга келди ва турли даврларда турлича шаклда ривожланиб келди. Бунинг сабаби, маълумотларни қайд қилиш, узатиш воситаси сифатида ижтимоий талабга жавоб берадиган ёзувнинг пайдо бўлиши билан ўз-ўзидан табиий ҳолда ана шу ёзувларни сақлай оладиган муассасаларни вужудга келтиришга эҳтиёж пайдо бўлган эди. Шу туфайли ҳам кутубхоналар аввал-бошданоқ жамиятнинг мўътадил мавжудлигини таъминлайдиган ажралмас қисми ҳисобланган.

Кутубхона – китоблар ва кишилик жамияти тарихи йиғиндиси бўлгани учун инсонпарвар муассасадир. Бунда инсоният эришган барча илмлар, турли фан соҳалари бўйича шаклидан, хилидан, туридан, тилидан қатъи назар, адабиётлар тўпланган. Кутубхоналар зулматтга, нодонликка, жаҳолатга қарши курашда фаол бўлган, кишилар қалбига эзгулик, яхшилик, саҳоват, садоқат, меҳр-муҳаббат, оқибат уруғларини сингдирган. У инсоният бутун борлиғининг буюк ҳужжатлашган гувоҳи сифатида яшаб келмоқда. Унга зарурат сезган ҳар бир киши bemalol фойдалана олиши ва, ўз навбатида, кутубхоналар шу мақсадда ҳаммабоп бўлиши керак.

Бора-бора маданиятнинг такомиллашуви ижтимоий ва моддий маданият тараққиётининг тарихан ривожланишига асос бўлиб, кутубхоналар, китоб фонди, уларни ташкил этиш ва бошқаришнинг, китобхонларга хизмат кўрсатишнинг муҳим омилига айланиб қолди.

Қадимги даврлардаги Шумер ва Ниневия сопол тахтачаларидаги ёзувлардан Мисрдаги папирус ўрама китобларигача, ўрта асрдаги масжид ва мадрасалардаги тақчил

қўлёзмалардан то дастлабки мактаблар учун яратилган дарсликларгача бўлган ҳамма даврда кутубхоналар кўплаб тарихий ўзгаришларни бошидан кечирди ва ўша давр жамият талабларига, тараққиётiga жавоб бериб келди. Ҳар бир жамиятнинг ғоялари, янгиликлари, олий мақсадлари кутубхоналарнинг ривожланишига, мазмун-моҳиятига таъсир этди. Шу туфайли, кутубхоналарнинг жамиятда тутган ўрни, мақсад ва вазифалари шунга қараб ўзгариб, ривожланиб борди. Ҳамон кутубхоналар жамият маънавий камолотининг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолмоқда. Зеро, маънавият китоблар, ахборот ресурсларининг бошқа турлари орқали шаклланади. Буни жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида кўриш мумкин.

Шунинг учун кутубхоналарнинг ижтимоий роли аниқ тарихий шароитда намоён бўлади. Кутубхоначилик иши ҳеч қачон макондан ва замондан ташқарида мустақил ривожлана олмайди, жамият тараққиётининг умумий қонуниятларига бўйсунади. Кутубхоналар ижтимоий ҳодиса сифатида ўзи ишлаб турган ижтимоий муҳит доирасига боғлиқ равишда шаклланиши буюк ҳақиқатдир. Жамият кутубхонанинг васийси бўлгани учун ҳам кутубхоналар жамият олдида ўз фаолиятига жавобгардир ва унинг эҳтиёжига жавоб бериши шарт, яъни жамият аъзоларининг ахборотга бўлган талабини тўла ва сифатли қондириши ахлоқий, маънавий, ижтимоий қоидалар даражасига кўтарилди. 1892-1972-йилларда яшаб ижод этган ҳиндистонлик кутубхонашунос олим Ш. Р. Ранганатаннинг кутубхоначилик ишининг беш қоидаси ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Булар:

- китоблар ўқиши учун хизмат қиласи;
- ҳар бир китобнинг ўз китобхони бўлсин;
- ҳар бир китобхоннинг ўз китоби бўлсин;
- китобхонлар вақтини асрар;
- кутубхона ўсаётган организмидир.

Бундай фикрлар жуда кўп ва улардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, китоб маънавий камолотнинг маҳсули, маълум бир босқич якунидир. Китоб ўқиши эса, ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжни қондириш йўли, маънавиятни бойитиш воситаси, маънавий камолот калитидир.

Профессор О. Ф. Қосимова ва Т. Б. Есимовнинг 1994-йил нашр қилинган “Умумий

кутубхонашунослик” дарслигига Ўзбекистонда “Кутубхонашунослик” фанининг ривожланиш босқичлари уч даврга бўлиб кўрсатилган. Агар шунга амал қиласидиган бўлсак, ҳозирги кунда бу даврлар тўртта бўлади:

- 1918-1945-йиллар;
- 1946-1974-йиллар;
- 1975-1990-йиллар;
- 1991-йилдан кейинги давр.

Бундай бўлинишлар кутубхоначилик ишидаги ривожланиш хусусиятлари ва соҳага оид амалга оширилган илмий-амалий ишлар кўламига боғлиқ. Биринчи босқичда кутубхонашунослик масалаларига оид атиги 14 та материал эълон қилинган бўлса, 1976-1987йилларда биргина Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан чиқарилган “Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи” тўпламида кутубхоначилик ишининг турли йўналишлари бўйича 131 та мақола эълон қилинган. 4-босқичда эса кутубхонашунослик масалаларига оид ўқув қўлланмалари, дарсликлар, ҳар икки йилда анъанавий тарзда Ўзбекистон ҳудудида ўтказилиб келинаётган “Сентрал Асия” Халқаро анжумани, бошқа халқаро анжуманлар тўпламларида, халқаро семинарлар, анъанавий тарзда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида ўтказилаётган Бетгерхонлик кунлари тўпламларида, Республика болалар кутубхонаси томонидан йилда бир марта нашр этиладиган “XXI асрда болалар китобхонлиги” Республика семинари тўпламида, “KUTUBXONA-UZ” ойлик журнали ва “Китоб дунёси” газетаси саҳифаларида мунтазам мақолалар бериб борилмоқда.

Шу даврда соҳага оид биринчи марта қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Конуни, 2006-йил 20-июнда қабул қилинган Президентимизнинг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги, 2011-йил 23-февралдаги “2011-2015-йилларда ахборот-коммуникация технологиялари негизида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматини янада сифатли такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, 2012-йил 20-марта қабул қилган “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорнинг ўзиёқ бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини ва аҳамиятини кўрсатади.

Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанининг биринчи босқичи асосан фаннинг шаклланиш даври деб ҳисобланади. Бу босқичда Туркистон Республикасида кутубхоналар тармоғини барпо қилиш, кутубхоначилик ишининг ташкилий ва функционал жиҳатларини асослаш, унинг назарий ва амалий асосларини яратиш, турли хил кутубхоначилик ишига оид конференсиялар, кенгашлар, қурултойларни чақириш, кутубхоначилик ишига раҳбарлик қилиш органларини ташкил этиш билан боғлиқ ишлар бажарилди.

Бу ишларни амалга ошириш ўша пайтдаги Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) фаолияти билан боғлиқ. Чунки айнан шу кутубхонада ўша даврнинг энг етук кутубхоначи-библиографлари, дастлабки кутубхонашунос, шарқшунос олимлар, маданият арбоблари тўпланган эди.

Ўзбекистонда “Кутубхонашунослик” фанининг шаклланиши ва ривожланиши Евгений Карлович Бетгер номи билан боғлиқ. Й. К. Бетгер 1887-йил 30-июнда Тошкент шаҳрида туғилиб, 1905-йили Тошкент эркаклар гимназиясини, кейин Москва, Гендельберг, Киев университетларини тугатган. 1920-1924-йиллари Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ факултетини тугатади ва шарқ тиллари бўйича етук мутахассис бўлиб етишади.

1914-йилда жуда кенг билимга, айниқса, рус тилшунослиги бўйича етук билимга эга бўлган Й. К. Бетгер Тошкент эркаклар гимназиясида рус тили ва адабиётидан ўқитувчилик фаолиятини бошлайди. 1915-йилдан унинг кутубхоначилик иши билан боғлиқ ҳаёти бошланади. Аввал у Рус географик жамиятининг Туркистон бўлимида ҳам унинг аъзоси, ҳам кутубхоначи лавозимида ишлайди. 1915-йил у бир овоздан кутубхона мудири лавозимига сайланади. А. В. Пенков билан китобларни жойлаштириш ишини тугатиб, карточкини ва предмет каталогини тузишга киришади. Олимлар ёрдамида фондни кенгайтиришга ҳаракат қиласади. Фонд, айниқса, ўлкашунослик характеридаги адабиётлар билан бойийди. Й. К. Бетгер кутубхона фондини тарғиб қилиш ишини жонлантирди, шу йўналишда библиография ишини ташкил қиласади. А. В. Пенков билан биргаликда “1912-йил 1-октабрдан то 1914-йил 1-январгacha бўлган даврда туркистоншуносликка оид китоблар ва мақолаларнинг библиографик кўрсаткичи”ни ва 1914-1915-йиллар учун кўрсаткичини тузади.

1917-йили у Туркистон оммавий кутубхонасининг Кузатиш қўмитаси таркибига ишга

олинади. Бу ерда у асосан китоб фондини сақлаш ва уни тарғиб қилиш масалалари билан шуғулланади. Раҳбарлик қобилиятига эга бўлганлиги сабабли, 1918-йил Туркистон халқ кутубхонасини қайта ташкил этиш комиссияси ишига жалб этилади, бир вақтнинг ўзида Халқ комиссариати қошидаги кутубхоначилик бўлимини бошқара бошлайди. Унинг ташаббуси билан Тошкентда кутубхона ходимларини тайёрлаш курслари ташкил этилади. Болалар, маҳсус ва миллий кутубхоналар ташкил этила бошлайди. Бошқа мутахассислар билан биргалиқда илмий ва академик кутубхоналарнинг Марказий Ўрта Осиё бирлашмасини бошқаради. Марказий библиографик комиссия ишига раҳбарлик қилиб, каталогглаштириш бўйича масъул ходим, ўнли тизим бўйича йирик мутахассис ва индексатор сифатида ўлка бўйича кутубхоналар раҳбарлигига тайинланади. 1922-1931-йиллар илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, илмий котиб, 1947-йилгача бўлим мудири лавозимларида фаолият юритади. 1943-йил “А. И. Бутаков кундаликлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қиласди.

1920-йилларда ёк Й. К. Бетгер кутубхоналар ишини ташкил этишдаги асосий жиҳатларга эътиборини қаратади. Булар: ҳисботларни тузишда бир хилликка эришиш, кутубхона фонди ва кутубхона маълумот аппаратини ташкил этиш, каталог ва картотекаларни тузиш, китоб фондини сақлаш, классификация қилиш ва ўнли классификация асосида тавсифлаш. 1918-йили Л. К. Давидов, А. А. Метелников билан бирга 1-марта “Ўнли библиографик классификация”ни нашр эттиради. Й. К. Бетгер бу ишни 1922-йили такомиллаштириб қайта нашр эттирди, унга сўзбоши, услубий кўрсатма, фойдаланиш қоидаларини қўшади. Бетгер кутубхоналар ҳисботини ва унинг таркибий қисмларини белгилаб беради, унда кутубхонанинг тузилиши ва кутубхона бўлимларида ишни ташкил этиш ҳақидаги масалалами ёритишни талаб қиласди. Бўлимлар ишини қулай ва тўғри ташкил этиш китобхонларга илмий хизмат кўрсатишнинг мезони эканлигини таъкидлайди. Уни такомиллаштиришда кутубхона ходимининг ўрни бекиёслигини, бунинг учун ундан профессионал билим, ақл-заковат, маҳорат талаб этилишини, кутубхонанинг молиявий аҳволи, унинг сметасини тузиш ҳамда таҳлил қилиб туриш кутубхона фаолиятини ривожлантиришда, такомиллаштиришда муҳим эканлигини, кутубхонанинг моддийтехник базасини мустаҳкамлашнинг кутубхона олдида турган вазифаларни ҳамда аҳолига кутубхона хизмати кўрсатишни яхшилашнинг асосий омили эканлигини кўрсатади.

Ўрта Осиё давлат кутубхонаси (ҳозирги Миллий кутубхона)нинг Й. К. Бетгер томонидан тузилган йиллик ҳисоботларида қиёсий таҳлил усули қўлланилган бўлиб, бу билан кутубхонанинг ижтимоий роли йилдан йилга ошиб борганлиги, йўл қўйилган хато ва камчиликлар, уларни бартараф этиш йўлларини кўриш мумкин. Й. К. Бетгер библиографик фаолиятга, айниқса, ўлкашунослик библиографиясига катта эътибор беради. Нашр этилмай қолиб кетган бўлса ҳам, у жуда кўплаб ўлкашунослик характеристидаги библиографик кўрсаткичларни тузади. Араб, форс ва бошқа шарқ тилларини мукаммал билган мутахассис сифатида ҳозирги Шарқшунослик институти фаолиятида ҳам иштирок этади.

1947-49-йилларда шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ишида, 1952-йил тузилган “ЎзФА шарқ қўлёзмалари каталоги”нинг 1-жилдини тузишда қатнашади. Низомий, Саъдий, Навоий, Оғаҳий асарларини таржима қилади. 1953-йили узоқ йиллик самарали меҳнатлари учун “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кутубхоначи” унвони билан тақдирланади.

А. П. Архангелский ва Стенмахиар эса кутубхона бюджети, китоб фондининг ўсиб бориши кутубхоначилик ишининг тараққиётини белгилаб берадиган омил бўлибгина қолмай, балки кутубхонанинг ижтимоий ролини ҳам кўрсатиб беради деб таъкидлашган. Буни яна китобнинг оммага етказиб берилишига, кутубхона иши мазмунининг ўзгаришига боғлиқ бўлиб, янги типдаги кутубхоналар аввалги кутубхоналардан сиёсий ва маданий масалаларни илгари суриши билан ажralиб туриши зарур деган ғояни илгари суришган. Ушбу ғояни ривожлантириб, кутубхоналарнинг муҳим вазифаларидан бири кутубхонага зарурати, эҳтиёжи катта бўлган уй бекалари, уй хизматкорлари, косиблами ва бошқалами жалб қилиш зарурлигини айтганлар. Кутубхонанинг тарбиявий ролини ошириш учун кутубхоначилик иши сифатини яхшилаш, китобхонларга табақалаштирилган (дифференсиал) хизмат кўрсатиш зарурлигини кўрсатдилар.

О. В. Маслова ва М. Н. Латиповаларнинг 1931-йил нашр этилган “Алифбо каталоги” амалий қўлланмасида асарларни тавсифлашда қўлланиладиган русча-ўзбекча қисқартирилган сўзлар луғати ва бошқалар ўзбек тилида нашр қилинган китоблар асосида ишлаб чиқилади.

Олга Василевна Маслова йирик кутубхонашунос-библиограф, Республикада хизмат кўрсатган кутубхоначи, тарих фанлари номзоди, халқимиз маънавий меросининг фаол тарғиботчиси 1893-йил 11-сентабрда Тошкентда ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Фаолияти давомида маълумот-библиография аппаратини, тарих, география, геология, гидрология, биология, Ўрта Осиё халқлари маданиятига оид библиографик ишларни тузади. Библиографик тавсиф, аннотация ва шарҳларни тузиш методикасига алоҳида эътибор қаратади.

Кутубхонашунослик фани тараққиётининг биринчи босқичи кутубхоначилик назариясининг ташкилий масалалари билан боғлиқ бўлиб, улар 1921-йил ноябр ойида Марказий идоралараро кутубхоначилик комиссиясининг барпо қилиниши, 1923-йил Тошкент шаҳрида кутубхона бирлашмаларининг ташкил этилиши, турли кутубхоначилик кенгашлари, конференсиялар, семинарлар, қурултойларнинг чақирилиши, республикадаги айrim кутубхоналар фаолиятини текшириш, кутубхона шоҳобчаларини ривожлантириш режаларининг тузилиши, етакчи кутубхоналарнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш, тарғиб қилиш, оммалаштириш ва бошқа ишлар амалга оширилди.

Ўша даврда кутубхонашунослар томонидан баъзи бир муаммолар ўрганилган ва ривожлантирилган. Булар:

- кутубхоначилик иши тарихи ва назарий асосларининг умумлаштирилиши (Ўзбекистон давлат кутубхонаси асарларининг нашр қилиниши ва илмий сессияларнинг ўтказилиши);
- Ўзбекистон давлат кутубхонасининг илмий ҳисоботларини тузиш ва фаолиятини таҳлил қилиш;
- кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг аҳволи ва кутубхона фондини тўлдириш муаммоларини ўрганиш;
- кутубхона шохобчалари ва тармоқларини ташкил қилиш;
- тавсифлаш методлари ва алифбо каталогини ташкил қилишнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ўзбек тилидаги кутубхоначилик атамалари муаммоларини тадқиқ этиш;
- турли хил назарий қарашлар (танқидий, мунозарали), аниқ намоён бўлган ўнли библиографик классификация жадвали назарий ва амалий асосларининг ишлаб чиқилиши.

Ўзбекистонда кутубхоначилик фани ривожланишининг иккинчи босқичи биринчи босқичдан фарқли равишда соҳада маҳаллий миллат вакилларининг кўпайиши билан характерланади. Бу даврда кутубхоначилик ишининг умумий масалаларидан тортиб, алоҳида кутубхоналар фаолияти, кутубхона тармоқлари, кутубхоналар ишининг айrim йўналишлари, китобхонларга хизмат кўрсатиш, кутубхона фондига оид муаммолар, кутубхоналар ишини ташкил қилиш, кутубхоналарда илғор тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва тарғиб қилиш, бошқа кутубхоналар амалиётига жорий этиш, кутубхоналар иш тажрибаларини оммалаштириш ва тарғиб қилиш мақсадида тўпламлар нашр қилиш, луғатлар, маълумотномалар тузиш, маълум мавзуларда диссертациялар яратиш масалалари асосий ўринда турди.

1940-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб матбуотда Ўзбекистонда кутубхоначилик иши, унинг ташкил этилиши, тармоқларнинг ривожланиши, А. Навоий номидаги давлат кутубхонасининг фаолияти, ташкилий-методик ишларига оид материаллар пайдо бўла бошлайди.

1950-йиллар ўрталарига келиб, жамоа хўжаликлари кутубхоналари иши кенг ўрганилади ва улар матбуотда ёритила бошланади. Ўтган асрнинг 60-йилларида келиб, қишлоқ ва шўро хўжалиги кутубхоналарининг фаолияти, тараққиёти бўйича

материаллар пайдо бўлди. Марказий илмий қишлоқ хўжалиги кутубхонаси фаолияти, қишлоқ ва шўро хўжалиги кутубхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари ёритила бошланди.

1950-йиллардан болалар кутубхоналари ходимларининг болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, болалар ўқишига раҳбарлик қилиш, болалар билан ишлаш масалаларини ёритадилар. Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларига келиб, очиқ китоб фондларини ташкил этиш масаласи олдинги ўринга чиқди. 1960-йилда Фарғона ва Бухоро вилоятида туман кутубхоналарининг очиқ китоб фонди шароитида китобхонларга хизмат кўрсатиш тажрибаси ўрганилиб, республика миқёсида бу илғор тажрибани ёйишга ўтилди.

Дастлаб бу масалада Москва ва Санкт-Петербургда нашр қилинган услубий қўлланмалардан фойдаланилди. Шунинг учун миллий тилдаги адабиётлар фондини шакллантириш, китобларни жойлаштириш усусларини ишлаб чиқиш, тавсия библиографик қўлланмаларининг етишмаслиги, каталог ва картотекалар тизимининг такомиллашмагани туфайли кутубхона фонди мазмуни тўла очиб берилмаслиги, очиқ китоб фонди шароитида “кутубхоначининг бўлиши шарт эмас” деган тушунчаларнинг пайдо бўлиши кутубхоначилик ишини такомиллаштиришдаги асосий тўсиқлар бўлиб қолди.

Шу сабабли, Ўзбекистон давлат кутубхонаси методик марказ сифатида очиқ китоб фонди шароитида китобхонлар ўқишига раҳбарлик қилиш, кутубхона фондини ўрганиш ва тўлдириш, каталог ва библиографик қўлланмалардан фойдаланиш ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича тажрибаларни ўрганиш, оммалаштириш, умумлаштириш масалалари билан шуғулланди.

Кутубхоначилар учун вилоят, шаҳар, туман кутубхоналарида очиқ китоб фондини ташкил этиш, фондни жойлаштириш, кутубхоначиларга ёрдам берадиган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган тавсия услубий қўлланмалар ишлаб чиқиш бошланди. Шу шароитда ўқишига раҳбарлик қилиш, китобхонлар қизиқишини ўрганиш, оммавий, болалар, касаба уюшмалари, техника кутубхоналарида очиқ фондни ташкил этиш каби долзарб масалалар пайдо бўлди.

1962-1966-йилларда Ўзбекистон давлат кутубхонаси “Ҳар бир кишининг меҳнати – ҳамманинг баҳт-саодати учун” умумий сарлавҳаси билан учта тўпламни нашрдан чиқарди. Биринчи тўплам 1962-йилдан нашр этилган бўлиб, республика кутубхоналари фондини ўрганиш натижасида ўзбек тилидаги адабиётлар фондининг ўзаги (ядро)ни яратиш муаммолари, техника, қишлоқ хўжалиги, ижтимоий-сиёсий адабиётларни тарғиб қилиш масалалари ана шу қисмда очиб берилди. Иккинчи тўплам эса Фарғона вилояти кутубхонасида ишчи ёшларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш ва ўлкашунослик ишлари тажрибалари асосида тўпланган материаллар асосида 1966-йили нашрдан чиқди. Учинчи тўплам ҳам 1966-йил нашр этилган бўлиб, унда адабиётлар тарғиботи, меҳнаткаш-китобхонлар орасида илмий бўйимлами тарғиб қилиш, қишлоқ жойларда ва шаҳарларда ҳар бир оиласга китобни етказиш, айрим жамоа хўжалиги кутубхоналарининг ишлари тўғрисидаги маълумотлар берилган. Бу тўпламлар тарихий ва илмий аҳамиятга эга бўлиб, кутубхоначилик иши тарихини ўрганишда манба бўлиб қолади.

1972-йили олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари кутубхоналари ходимларининг иш тажрибаларини умумлаштирган дастлабки тўплам нашрдан чиқди. Бу тўплам услубий характерда бўлиб, ёшларга кутубхона-библиографик хизмати кўрсатиш тажрибаларини умумлаштириш мақсадида Тошкент давлат университети (ҳозирги Миллий университет) томонидан нашр этилган эди. Ўша давр мутахассислари тўпламга юқори баҳо беришган ва тўплам кўплаб кутубхоналар учун тажриба алмашиш, бошқа кутубхоналар тажрибасини ўрганиб, ўз фаолиятларига сингдириш учун асос бўлиб хизмат қилган. Бунга ўхшаган тўплам 1974-йилда бошқа номда нашр этилган эди.

1958-йилда Кўқон педагогика институти таркибида кутубхоначилик факултети ташкил этилади ва 1960-йилда Низомий номидаги Тошкент педагогика институти таркибига киритилди. Шундан сўнг мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш сифати, кўлами анча ошди. Кутубхонашунослик ва библиография фани ривожлана бошлади. Бу эса кутубхоналар тизимининг амалиётига ҳам таъсир кўрсатди. Шунингдек, Ўзбекистонда тарих фанининг тараққиётида ўзгаришлар юз берди. Алоҳида кутубхоначилик иши тарихи ҳали мустақил ўрганилмаган бўлса-да, икки йўналишда: ҳалқ маорифи тарихи, нашриётчилик иши, маданий-маърифий ишлар тарихи ўрганилганда маълум бир маънода кутубхоначилик иши тарихига ҳам ўрин берилган эди.

1959-йил ҳукуматнинг “Мамлакатда кутубхоначилик ишининг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.

1960-70-йилларга келиб, Низомий номидаги ТДПИ қошидаги кутубхонашунослик кафедраси жамоаси томонидан кутубхоначилик иши тарихи ўрганила бошланди. Илк феодаллар жамияти давридан 1924-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон кутубхоначилиги тарихи масаласи биринчи марта Осиё Ғафуровна Қосимова томонидан тадқиқ этилди. Натижада, 1965-йилда Тошкент давлат университетида республикада биринчи бўлиб кутубхоначилик иши тарихи бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Бу О. Қосимованинг “Ўзбекистонда оммавий кутубхоналар тармоғининг ривожланиши” мавзусидаги иши эди. Тарихий материаллар асосида илк бора Туркистон ўлкаси кутубхоналари тарихи, турли хил илмий жамиятлар кутубхоналари фаолияти, нолегал кутубхоналар, Туркистон оммавий кутубхонаси, унда ташкил топган Кутубхоначилик комиссиясининг ташкил топишидан то 1924-йилгача бўлган фаолият ёритилди.

Инқилобдан кейинги даврни ўрганишда даврлаштириш принципини қўллаган ҳолда оммавий кутубхоналар ривожланиши, ҳар бир даврда аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишнинг хусусиятларини очиб берган.

Илмий иши натижасидан унумли фойдаланган О. Қосимова 1968-йилда “Ўзбекистонда кутубхоначилик иши” номли асарини нашр эттириди. Бу асарда 1924-йилдан 1967-йилгача бўлган даврдаги Ўзбекистон кутубхоналари тарихи, истиқболи танқидий ва таҳлилий равишда очиб берилади. Кутубхоначилик иши тарихи муаммолари билан амалиётчилар ҳам шуғулланишган. А. Навоий номидаги ЎДК ходими Й. Б. Абрамов Ленинград давлат маданият институти базасида 1967-йили “Ўзбекистонда каталогглаштириш назарияси ва амалиётининг ривожланиши” мавзусида диссертациясини ҳимоя қиласиди. Ишнинг биринчи қисмида муаллиф IX асрдан то Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олгунигача бўлган даврда Ўзбекистон ҳудудида каталогглаштириш тарихини ёритган. Асосий эътиборини Туркистон Оммавий кутубхонаси (ТОК)нинг рус бўлими каталоги, Туркистон ўлкасида шаҳар, илмий, ўқув юртлари ва бошқа кутубхоналар каталогларига қаратган. ТОКнинг каталогглаштириш фаолияти ва унинг ривожида Н. В. Дмитровский ҳамда кутубхоначилик комиссиясининг ўрни тарихан ўрганиб чиқилиб, тадқиқ қилинган. Тадқиқотнинг

кейинги қисмларида 1917-1924-йиллар Туркистон мухтор республикасида, 1925-1967-йилларда Ўзбекистонда каталогглаштириш жараёнлари ва амалиёти Ўзбекистон давлат кутубхонаси мисолида ёритилган. ЎДК негизида 1918-йили ташкил топган кутубхона фондини каталогглаштириш муаммолари билан шуғулланувчи маҳсус комиссия фаолияти биринчи бор илмий жамоатчиликка етказилди.

1968-йили ТошДУ асосий кутубхонаси ходими Александр Иванович Кормилитсин “Инқилобдан олдинги Туркистонда кутубхоначилик иши тарихи” мавзусида илмий ишини ҳимоя қиласди. Ишда

Туркистоннинг маҳаллий аҳоли сони кўп бўлган Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари бўйича тадқиқот ишлари ёритилган.

1969-йилларнинг биринчи ярмида илмий кутубхоналар фаолияти ҳам тадқиқ қилина бошланди. 1973-йили М. Раҳимова ТошДУда “Ўзбекистон ССР илмий кутубхоналари тараққиёти тарихи” (1917-1941-йиллар) мавзусида илмий ишини ҳимоя қиласди ва Ўзбекистон давлат кутубхонаси, ТошДУнинг илмий кутубхонаси, А. С. Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси, А. Навоий номли Самарқанд давлат университетининг асосий кутубхонаси, Абу Али ибн Сино номли Бухоро вилоят кутубхонаси, ФА асосий кутубхонаси, Тошкент давлат тиббиёт институти кутубхоналари тарихи, республикада илмий кутубхоналар тармоғининг шаклланиши, олий ўқув юртлари кутубхоналари фаолияти ва муаммолари атрофлича тадқиқ қилинган. 1941-1970-йилларда илмий кутубхоналар фаолияти тарихини Боқибилло Каримов тадқиқ қиласди ва “Ўзбекистон ССРда илмий кутубхоналар тараққиёти” номи билан илмий ишини ҳимоя қиласди. Унда Республика илмий-техника кутубхонаси, Республика ҳудудий патент фонди кутубхонаси, Ўзбекистон давлат режани илмийтехника ва техник-иктисодий тадқиқотлар илмий текшириш институтининг халқ ҳўжалиги мутахассисларига хизмат кўрсатиш фаолияти ёритиб берилган.

Мамлакатимиз кутубхонашунослик фанининг ривожланишини ўрганишда, тадқиқ қилишда яна маълумотнома нашрлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. 1964-йили А. Навоий номидаги ЎДК томонидан ўзбек тилида “Ўзбекистоннинг йирик кутубхоналари” номли маълумотнома эълон қилинди. Унда республика аҳамиятига эга бўлган илмий кутубхоналар, вилоят, олий ўқув юртлари ва касаба уюшмалари кутубхоналари

фаолияти ёритилган, макони, жойи, тарихи, қайси тармоққа қарашлилиги ва вазифалари, тузилиши, китоб фонди ва китобхонлар миқдори кўрсатилган.

Яна бир маълумотнома “Ўзбекистоннинг техника кутубхоналари”дир. Бу Ўрта Осиё республикалари бўйича шундай типдаги биринчи нашр ҳисобланади. Мақсади Ўзбекистон кутубхоналарининг китоб фондини тўлдириш, кутубхоначилик ва ахборот ишларини мувофиқлаштириш. У республика илмий-техника кутубхонаси, бошқа илмий-техника ва техника кутубхоналари, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигининг вилоят кутубхоналари, ФАНИНГ асосий кутубхонаси, университетлар ва техника олий ўқув юртлари кутубхоналари ҳақида маълумотлар беради.

Хулоса ўрнида 1946-1974-йилларда эълон қилинган материаллар асосида шуни айтиш мумкинки, республика кутубхоналари фаолияти чуқур илмий ва танқидий жиҳатдан ўрганилди ва шарҳли-ахборотли материаллар кўпайди, илфор тажрибалар ўрганилиб, умумлаштирилди ва амалиётга жорий этилди, кутубхоначилик иши ҳақида илмий тадқиқотлар кўпайди, маълумотнома ва луғат нашрлари пайдо бўлди. А. Навоий номли ЎДК мамлакатда кутубхоначилик ишининг ташкилотчиси, жонкуяри, илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштирувчи марказга айлана бошлади.

Кутубхоначилик соҳасида кадрлар тайёрлашнинг олий ва маҳсус тизими таркиб топди. 1974-йилда собиқ Иттифоқда 14-чи бўлиб Тошкент давлат маданият институти ташкил топди ва унинг таркибида “Кутубхоначилик” факултети иш бошлади. Республикада ягона олий маълумотли кутубхоначи-библиографлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти 2012-йилгacha фаолият юритди, кўп йиллар мобайнида мамлакатимиз, қўшни ва хорижий давлатлар кутубхоналари учун малакали кадрлар тайёрлаб келди, мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди.

1974-йил кутубхоначилик иши соҳасида марказлаштирилган тизимни бошлаб берган “Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ва фан-техника тараққиётида кутубхоналарнинг ролини ошириш тўғрисида”ги ҳукumat қарори қабул қилинди. Бу эса 1975-йилдан бошланган кутубхонашунослик фанининг учинчи босқичи ривожида муҳим асос бўлиб қолди. Бу даврда кутубхонашунослик фани янги поғонага кўтарилди. Китоб иши тарихи, кутубхоналар тармоқлари, кутубхонашунослик фани ва унинг умумий муаммоларини ҳал этиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

О. Қосимованинг ўзбек ва рус тилидаги “Ўзбекистонда кутубхоначилик иши тарихи” дарслиги кутубхоначилик факултетида ўқитила бошланди.

Бу даврда кутубхоначилик иши муаммоларига оид битта докторлик ва 7 та номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди. “Ўзбек тилининг кутубхоначилик-библиографик терминшунослиги” (Э. Йўлдошев) мавзусида иш бошланиб, у “Ўзбек китобатчилиги терминологияси” номи билан докторлик иши даражасига етди. Профессор Эргаш Йўлдошев “Ўзбекистонда болаларга кутубхоначилик хизмати кўрсатилиши: шаклланиши, ривожланиши ва истиқболлари”, М. Расулов “МКСда оммавий қишлоқ хўжалиги касби меҳнаткашларига хизмат кўрсатишни такомиллаштириш”, М. А. Зуфарова “Икки тиллилик шароитида систематик каталог: ташкил қилиш муаммолари ва такомиллаштириш йўллари”, В. В. Садурская “Юқори синф ўқувчиларининг билишга оид фаоллигини шакллантиришда ёшлар кутубхонаси, мактаб ишлаб чиқариш жамоасининг ўзаро ҳамкорлиги”, М. Маҳмудов “Мактаб ўқитувчиларига кутубхона хизматини кўрсатиш: ҳозирги аҳволи ва тараққий эттириш йўллари” мавзуларида тадқиқот ишларини якунладилар.

Бу босқичда Ўзбекистонда кутубхонашунослик фанини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан бири илғор тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва оммалаштиришдан иборат эди. Шу йўналишда 1960-йиллардан Алишер Навоий номидаги Республика давлат кутубхонаси (ҳозирги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) 34 та маҳсус тўплам нашр қиласи, 1976-йилдан “Ўзбекистон кутубхоналари” номи билан давомли нашр чиқади. Илмий тўплам сифатида республика кутубхоналаридаги амалий иш тажрибалари ёритадиган, таҳлил ва тарғиб қиласидаги нашрда айланади. Кейинчалик бу тўплам “Ўзбекистон кутубхонашунослиги: кутубхоначилик иши назарияси ва амалиёти бўйича мақолалар тўплами” номи билан чиқарила бошланди ва кутубхоначилик ишининг назарий ва амалий муаммолари бўйича умумий материаллар, унинг айрим йўналишларига бағишлиланган рисолалар ўз аксини топди.

Бу нашр республикада кутубхоначилик иши тарихи, назарияси, амалиёти ва истиқболи масалаларини ёритадиган, ишлаб чиқадиган, барча кутубхона тармоқлари ўртасида илғор тажрибаларни оммалаштирадиган, мамлакатимизда ва ҳудудларда кутубхоначилик иши қурилиши хусусиятларини ўрганадиган, кутубхона ходимлари малакасини оширадиган, китобхонларда ўқиш маданиятини тарбиялайдиган,

кутубхоначилик касбининг нуфузини, обрў-эътиборини қўтарадиган нашрга айланди.

1974-йилда собиқ Иттифоқ ҳукуматининг кутубхоначилик ишига оид қабул қилган қарори асосида мамлакатда марказлаштирилган кутубхоналар тизими ташкил топди. Бу тизимнинг хусусияти шундан иборат эдикни, ҳудудлар хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда алоҳида тизимлар шаклланди, уламинг таркибида марказий кутубхона ва унинг атрофида филиаллар бирлашиб, тизимни бошқариш, маблағ билан таъминлаш, режалаштириш ва ҳисбот ишлари, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳисобкитоб ишлари, фондни тўлдириш, унга қайта ишлов бериш, техник ва илмий ишлов бериш Марказий кутубхона зиммасига, аҳолига кутубхона хизмати кўрсатиш филиалларга бириклирилди. Кутубхоналарда илғор иш усулларини ўрганиш, ўзаро ҳамкорлик қилиш, ички ва ташқи китоб айирбошлаш, кутубхоналарро абонемент, сиртқи абонемент, Халқаро абонемент ишлари шу даврда ривожлантирилди. Марказий кутубхона бутун бир тизим учун илмий-услубий, библиографик иш марказига айланди.

1975-1990-йилларда “Кутубхонашунослик” фанининг ривожланишида асосий эътибор республикада мактаб ўқувчилари ва болаларга кутубхона хизмати кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига қаратилди. Китобхонлар ўқиш маданиятини тарбиялаш, ўқишига раҳбарлик қилиш масалалари ҳар томонлама ишлаб чиқила бошланди. Шу даврда Тошкент давлат маданият институтининг “Болалар адабиёти ва кутубхоналарда болалар ўқишига раҳбарлик қилиш” кафедраси ташкил топиб, унинг фаолияти кўлами ва сифати жиҳатидан кўзга ташланди. Бу кафедрага аввал филология фанлари доктори, фолклорист олим Малик Муродов, кейинчалик педагогика фанлари номзоди, профессор Э. Йўлдошев раҳбарлик қилди. 1982-1990-йилларда М. Муродовнинг болалар китобхонлиги, уларнинг ўқишига раҳбарлик қилиш, китобхонликнинг илдизлари, оиласда китобхонлик, унинг илдизлари, анъаналари, шахсий кутубхоналар ва уларда аҳолига хизмат кўрсатиш, болалар маънавий дунёсини шакллантиришда китобнинг ўрни, Э. Йўлдошевнинг “Болалар ўқишига раҳбарлик қилиш”, “Ўқиш маданиятини тарбиялаш” каби рисолалари нашр этилди. Мактаб ва литсей кутубхоналари ишини ташкил этиш, кутубхоналарда каталогларни ташкил этиш, китоб фондини ташкил этиш ва у билан ишлаш, турли синф ўқувчилари билан ишлаш, улар ўртасида кутубхоначилик ва библиографик билимларни тарғиб этиш бўйича китоблар ва рисолалар, турли оммавий тадбирларни ташкил этиш методикасига оид қўлланмалар республика “Китобхон” жамияти билан ҳамкорликда

нашр этилди. Улардан “Бадий адабиётларни тарғиб этишнинг оммавий усуллари”, “Адабий ўқишиларни тайёрлаш ва ўтказиш методикаси”, “Адабий викториналар” каби янги иш усулларининг методикасини ўргатувчи, оммалаштирувчи методик рисолалар нашр этилди. Чунки, бу даврга келиб, оммавий ишларни тайёрлаш ва ўтказишида ягона методикага эҳтиёж пайдо бўлди. Турли кутубхоналарда оммавий ишларнинг ўзибўларчиллик билан, ҳар ким ўзи истаганча ўтказиши оммавий тадбирларнинг таъсирини, сифатини, нуфузини тушириб юборди.

1975-1990-йилларда кутубхоначилик иши соҳасидаги тадқиқотлар кутубхоналарнинг ижтимоий ролини оширишга қаратилди. Бу соҳага адабиётшуносларнинг кириб келиши кўзга ташланди. Аммо, кутубхоначилик иши масалаларининг ҳал этилишида жамиятшунослар, файласуфлар, педагоглар, психологлар етарли даражада иштирок этишмади.

Бу даврда асосий эътибор соҳага оид илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш, ўқиш маданиятини тарбиялаш, ўқишига раҳбарлик қилиш, етакчи кутубхонашунос-библиограф олимларнинг фаолиятини ўрганиш, тадқиқ қилиш, тарғиб қилиш, кутубхонашунослик фанининг бошқа соҳалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, улар ёрдамида илғор тажрибаларни оммалаштириш, аҳолига кутубхоначилик хизмати кўрсатишини такомиллаштириш, кутубхона тармоқларини марказлаштириш, маданий-маърифий муассасалар тизимида кутубхоналарнинг ўрни масаласини ўрганиш, тадқиқ қилиш, кутубхоначилик ҳудудий бирлашмалари фаолиятини ўрганиш масалалари учунчи босқичга хос эди.

1991-йил Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг жамиятнинг барча қатламларида ўзгаришлар юз берди. Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш даври бошланди. Ҳамма соҳада иқтисодиётни, моддий-техник базани мустаҳкамлаш, ижтимоий-иктисодий, маданиймаърифий соҳаларда бўлгани каби маданият ва санъат соҳасида ҳам миллийликка эътибор ошди. Миллий урф-одатларимизни такомиллаштириш, миллий қадриятларимизни қайтадан ўрганиш, таҳлил қилиш, айниқса, ўзбек миллати тарихини янги нуқтайи назардан ўрганиш масаласи, маънавиятни шакллантириш, ривожлантириш олдинги ўринга чиқди. Диний қадриятлар қайтадан тикланди. Хорижий мамлакатлар билан барча соҳада ҳамкорлик кучайди. Хорижий сармоялар мамлакатимиз ривожига таъсир эта бошлади.

Кутубхоначилик иши соҳасида ҳам хорижий грантлар, ҳамкорлик ёрдамлари пайдо бўлди. Уламинг таъсирида ва кўмагида кутубхоначилик иши соҳасида автоматлаштириш тушунчалари шакланиб, амалиётга жорий этила бошланди.

Шулардан энг асосийси электрон каталогларнинг ташкил этилиши бўлди.

Мамлакатимизда дастлаб Тошкент вилояти “Турон” илмий-универсал кутубхонаси, Ўзбекистон ФА асосий кутубхонасининг фаолиятида янги технология пайдо бўлди, Россиянинг “ИРБИС” дастури асосида электрон каталоглар яратила бошланди. “Турон” кутубхонаси томонидан бир неча хорижий грантлар ёрдамида республика кутубхоналари учун ўқув семинарлари ташкил этилиб, электрон каталог тузиш қоидалари, нусха кўчириш аппаратлари ёрдамида адабиётлардан нусха олиш, библиографик ёзувларни дастурга киритиш, компьютер саводхонлигини ошириш масалалари бўйича машғулотлар ўтказилди.

XX асрнинг сўнгги йилларида келиб, мамлакатимиз кутубхоналари фаолиятига компьютерлар кириб келди. Улар ёрдамида кутубхоначилик иш жараёнларини автоматлаштириш билан кутубхоначилар меҳнатини енгиллаштириш, уларнинг иш самарасини ва сифатини ошириш масалалари кун тартибига чиқди. Шу сабабли, 1994-йилдан бошлаб АҚ республикада биринчилардан бўлиб, Россиянинг “ИРБИС” дастури асосида электрон каталог яратишга киришди.

1998-йили кутубхона иш жараёнлари шу дастур асосида автоматлаштиришга ўтказила бошланди, китобхонларда Интернет тармоғида ишлаш имконияти яратилди ҳамда электрон почта алоқаси ишга тушди.

2001-йили ФААК Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб “Автоматлаштирилган кутубхона модели” лойиҳаси доирасида республика кутубхона ходимларини ахборот технологиялари саводхонлигига ўқитишга мўлжалланган ўқув маркази иш бошлади ва 150 дан ортиқ кутубхона ходими ўқитилди. 1994-йилдан бошлаб, АҚ фондига олинган ҳужжатларнинг электрон каталоги, 9 мингга яқин диссертацияларнинг библиографик ёзувлари киритилди. Аммо бу ишлар дастлабки даврда бажарилгани ва ҳали кутубхона ходимларида электрон каталог тузиш маданияти етарли бўлмаганлиги сабабли библиографик ёзувларни киритишида кўпгина хатолар мавжуд эди.

2000-2004-йилларда Тошкент вилояти “Турон” илмий-универсал кутубхонаси (2006-йилдан ахборот-кутубхона маркази) нафақат Тошкент вилояти кутубхоналари, балки республика кутубхоналари фаолиятини ривожлантириш мақсадида хорижий грантлардан фойдаланиб, 5 та вилоят кутубхонасида “Хуқуқий ахборот маркази”ни ташкил этди, уларни компьютер, принтер, сканер билан таъминлади ва электрон каталог ташкил этиш ишларида ёрдам берди, кутубхоналар фаолиятига фандрайзинг усулини олиб кириш бўйича бир йил давомида ўқув семинарлари ташкил этди.

1999-йилдан бошлаб мутахассислар саъй-ҳаракати билан хорижий ташкилотлар кўмагида “Фан, техника, таълим ва бизнес соҳаларида кутубхона, Интернет ресурсларидан фойдаланиш – “Сентрал Асия” номи билан икки йилда бир марта Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ва кутубхоналари базасида Халқаро анжуман ўtkазила бошланди. Бу анжуманда дунё мамлакатларининг илғор кутубхонашунос ва библиограф олимлари, кутубхоналар иш жараёнларини автоматлаштириш бўйича мутахассислар иштирок этадилар. Анжуманда кутубхоначилик ишини такомиллаштириш, сифатли ва самарали ахборот хизмати кўrsatiш, кутубхоналар иш жараёнларини автоматлаштириш, ходимлар малакасини ошириш, қайта тайёрлаш, электрон каталоглар яратиш, мамлакатларнинг йиғма электрон каталоглари, илғор иш тажрибалари, виртуал кутубхоналар, электрон кутубхоналар, уларнинг ишини ташкил этиш, Интернет хизмати, Интернет ресурсларини яратиш, хусусий электрон ресурслар ва уларни яратиш, масофадан туриб хизмат кўrsatiш, электрон ресурслар ташкил этиш, ўзаро алмашиш, ҳамкорлик ишлари, электрон библиографик ресурслар яратиш ва фондини ташкил этиш каби кўплаб масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда ахборот-кутубхона хизмати кўrsatiш билан боғлиқ ташкилотлар – нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари, компьютер технологиялари ишлаб чиқариш компаниялари, дастурчилар, архив ходимлари қатнашиб, фикр алмашдилар. Бу даврда хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш, кутубхоналар фаолиятига олиб кириш борасида катта ишлар бажарилди. Турли грантлар жалб этилиб, Испания, Италия, Франсия, АҚШ, Германия, Латвия, Литва, Швеция, Грузия, Озарбайжон, Россия, Украина, Белорус, Қозоғистон, Қирғизистон каби кўплаб мамлакатлар билан ҳамкорлик ўрнатилди, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш мақсадида ижодий сафарлар, ўқув курслари ташкил этилди. Бунда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти кутубхонашунос-библиографлари, талабалар, мамлакатимизнинг йирик

кутубхоналари ходимлари

қатнашдилар. Айниқса, бу борада Германиянинг Гёте институти фаолияти жуда самарали бўлди. Бу институт ёрдамида Самарқанд вилояти АҚМда, Тошкент шаҳар саноат касб-хунар коллежининг АРМда немис ўқув заллари ташкил этилди, компьютерлар ва илғор техника воситалари билан жиҳозланди, адабиётлар ва электрон ресурслар фонди ташкил этилди.

Мамлакатимиз кутубхоналарида хусусий электрон ресурслар яратиш ишлари, йиғма электрон каталог яратила бошланди. Кутубхоначилик иши соҳасида янги қонуний ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Зухра Бердиева

“Кутубхонашунослик” (Касб-хунар колледжлари учун. Тошкент, “Илм зиё”, 2014) дарслигидан.